



EZGU FIKR, EZGU SO‘Z, EZGU AMAL!

**14-YANVAR – VATAN HIMOYACHILARI
KUNI**

ILM SARCHASHMALARI

**AL-XORAZMIY NOMIDAGI
URGANCH DAVLAT UNIVERSITETINING
ILMIY-METODIK JURNALI**



2014 – 1

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS
TA'LIM VAZIRLIGI**

AL-XORAZMIY NOMIDAGI URGANCH DAVLAT UNIVERSITETI

Ilm sarchashmalari

1. 2014

**научно-методический журнал
Издаётся с 2001 года**

Urganch – 2014

этган.¹ Масалан вилоятда 1904 йилда 100 та волость, 629 та кишлок жамоалари, 1908 йилда келиб, 103 та волость, 642 та кишлок жамоалари бўлган эди.

Шундай қилиб, Қўкон хонлиги тугатилиб, унинг ўрнига ташкил этилган Фарғона вилоятида янги маъмурий-худудий бошқарув тизими вужудга келтирилди. Бу тизим мустамлакачи маъмурият манфаатларига мос келарди.

Бу ҳол ўлкада подшо Россияси ҳукмронлигини мустаҳкамлашга, ўлкани тизимли равишда мустамлакалаштиришга хизмат қилди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдурахимова Н., Эргашев Ф. Р. Туркистонда чор мустамлакаси тизими. Т., "Академия", 2002.
2. "Туркистон вилоятининг газети". 1876, 11-сон.
3. Шарафиддинов А., Алимова Н. Фарғона водийси чор Россияси мустамлакачилиги даврида. Фарғона, 2011.
4. Эшов Б. Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқарув тарихи. Т., "Янги аср авлоди", 2012.
5. Обзор Ферганской области за 1900 г. Новый Маргелан, 1901 г.

Алишер ЯРКУЛОВ (ТАЙИ қошидаги Учтепа АЛ) ШУЛЛУКТЕПА ШАҲАР ХАРОБАСИНИНГ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИ

Аннотация. Насаф ўрта асрлар шаҳри ҳисобланади. Ҳозирги кунда унинг харобалари халқ орасида Шулуктепа номи билан машҳур. Шулуктепа ўрта асрларда ҳунармандчилик, савдо ва сиёсий марказлардан бири эди.

Ушбу мақолада ўрта асрлар шаҳар харобаси бўлган Шулуктепанинг ўрганилиш тарихи ёритиб берилган. Шулуктепада олиб борилган илмий изланишлар, археологик тадқиқотларнинг натижалари ҳақида маълумот берилади. Шаҳар харобасининг арк ва рабат қисмларида олиб борилган археологик тадқиқотлар бир-бирини тўлдирди.

Аннотация. Большие города всегда функционировали как центр торговли, ремесленничества и культуры. Здесь с другими странами поддерживали культурные, экономические и политические связи, новое в различных отраслях претворялось в первую очередь, также большие города считались центрами ремесленничества и имели большое значение.

Точно таким центром торговли и ремесленничества, а также политическим центром был конечно Насаф. В средних веках Насаф был широко известен среди народов под названием Шулуктепа, которое сейчас является историческим памятником.

Хотя раскопки в Шулуктепе не проводились в широких масштабах, но открытые части арка и рабада восполняют друг друга и помогают осветить историю Шулуктепы. Исследования, проведенные в Шулуктепе, и материальные предметы, найденные в период раскопок, подтверждают, что жизнь здесь продолжалась долго, строение города и наличие сооружений показывают, какое они имели большое значение.

Annotation. Nasaf is considered as a city of the Middle Ages. Nowadays it is famous with the name "Shulluktepa" among people. Shulluktepa was one of the centres of crafts, trade and polycyl in the Middle Ages.

In this article is discovered the target history of Shulluktepa city's ruins of the Middle Ages and it is informed about ongoing scientific researches in Shulluktepa and the results of archeological observations.

¹ Абдурахимова Н. А., Эргашев Ф. Р. Туркистонда чор мустамлака тизими. 213-бет.

Калит сўзлар: Шуллиуктепа, Насаф, М. Е. Массон, В. В. Крестовский, Б. Н. Литвинов, Д. Н. Лагофет, Л. А. Зимин, С. К. Кабанов, С. Б. Лунина, З. И. Усманова, Б. Д. Кочнев, Г. Я. Дресвянская, А. Анорбоев, Т. К. Хужаев, М. Исомиддинов, А. Раимкулов, В. А. Пырин, арк, работ.

Ключевые слова: Шуллиуктепа, Насаф, М. Е. Массон, В. В. Крестовский, Б. Н. Литвинов, Д. Н. Лагофет, Л. А. Зимин, С. К. Кабанов, С. Б. Лунина, З. И. Усманова, Б. Д. Кочнев, Г. Д. Дресвянская, А. Анорбаев, Т. К. Хужаев, М. Исомиддинов, А. Раимкулов, В. А. Пырин, арк, рабад.

Key words: Shulluktepa, Nasaf, M. E. Masson, V. V. Krestovski, B. N. Litvinov, D. N. Lagofet, L. A. Zimin, S. K. Kabanov, S. B. Lunina, Z. I. Usmanova, B. D. Kochnev, G. D. Dresvyanskaya, A. Anorboev, T. K. Khojaev, M. Isomiddinov, A. Rimqulov, V. A. Pirin. citadel, guardhouse.

Йирик шаҳарлар ҳар доим савдо, ҳунармандчилик ва маданий марказ сифатида фаолият кўрсатган. Бу ерда ўзга юртлар билан кенг маданий, иқтисодий ва сиёсий алоқалар йўлга қўйилган бўлиб, турли соҳалардаги янгиликлар биринчи бўлиб жорий қилинганлиги, йирик ҳунармандчилик марказлари сифатидаги ўрни алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланган. Шунингдек, энг йирик кулолчилик марказлари ҳам йирик шаҳарларда тўпланган бўлиб, атрофдаги кичик аҳоли пунктларида ўз даврининг энг илғор тажрибаларига таянган янги ғояларини ўзлаштириб оладиган кулоллар, албатта, кам бўлар эди.

Худди шундай йирик савдо, ҳунармандчилик маркази, қолаверса, сиёсий марказ, албатта, Насаф эди. Ўрта асрлардаги Насаф ҳозирги Шуллиуктепа номи билан халқ орасида кенг тарқалган ёдгорликдир. Ёдгорлик Қашқадарёнинг чап қирғоғида, Ерқўрғон ёдгорлигидан 5 – 6 км жанубда, дарёнинг қайрилган ерида жойлашган. Дарёнинг ўша қайрилган ерида шаҳар ҳокимининг қалъаси (арк) бутун воҳадаги тепаларнинг энг баланди (28 м) икки ярусли тепа сифатида кўриниб туради (1–2-расм). Арkning шимоли-шарқий қисмида унинг қалъа қисми бўлиб, у арkning юза қисмидан яна 15–17 м баланд қилиб кўтарилган. Аркни ров ўраб туради, унинг атрофида тўғри бурчакли (450х350 м) шахристон шаклланган бўлиб, деворларининг тўрт томонида тўртта дарвозаси борлиги кўриниб турибди. Дарё қайиригининг қолган қисми работнинг қалин қилиб қурилган иншоотларини харобалари билан тўла. Айнан Қашқадарёнинг чап қирғоғидаги ерлар жуда кўплаб сўнгги ўрта асрлардаги каналларнинг қазилиши даврида бузилган бўлганлиги учун ҳам работнинг умумий ҳажмини аниқлаш бир оз қийинроқ. Шуллиуктепанинг умумий ҳажми тўғрисида ҳали ҳеч ким аниқ бир фикрни айтгани йўқ. Бунинг асосий сабабларидан бири бу ердаги маҳаллий аҳоли томонидан доимий равишда Шуллиуктепа бузилиб, унинг қатламларидан пишиқ ғишт олиб кетишган. Бу нарса ҳам ёдгорликнинг устки қатламлари ёки устки рельефи бузилган, бунинг устига ёдгорликнинг Қашқадарёни ўнг қирғоғида жойлашган қисми эса нафақат каналлар билан кесилган, бу қисмдаги ерлар ҳозирги пайтда ҳайдалиб, турли экинлар экилиб келинмоқда. Шунинг учун Насаф шаҳрининг топографияси тўғрисида унинг рельефига қараб туриб, бирор нарса дейишга қийинчилик туғдиради.



1-расм. Шуллиуктепанинг сақланиб қолган қисми (М. Е. Массон бўйича).

М. Е. Массон Насаф шаҳрининг ўрнидаги ёдгорлик Шуллуктепанинг номи келиб чиқишини XVIII аср билан боғлайди. Унда Эрон шоҳи Нодиршоҳнинг ўғли Ризақулимироз бошчилик қилган қўшинларини 1737 йилда Қарши шаҳрининг атрофларида қилган ҳаракатларини ёзган тарихчиларнинг ишида бу ердаги қадимги қалъани "Шулдук" деб аталгани тўғрисидаги хабарни беради.¹

Шунингдек, М. Е. Массон Шуллуктепа тўғрисидаги илк хабарлар Ўрта Осиёни Россия томонидан босиб олингандан кейин, бир қатор тарихчи олимлар, шарқшунослар, ҳарбийлар Қарши атрофидаги тарихий обидалар қатори Шуллуктепа ёдгорлиги тўғрисида ҳам маълумотларни беришгани тўғрисидаги хабарлар бор. Улар орасида ёзувчи В. В. Крестовский (1883), офицер-рассом Б. Н. Литвинов (1895–1910), ҳарбий Д. Н. Лагофет Қарши воҳасида бўлишди ва қисман Шуллуктепа ёдгорлиги тўғрисида ҳам хабар беришди. 1916 йилда шарқшунос олим Л. А. Зимин ҳам Қарши ва унинг атрофларида бўлиб, биринчи марта ўзининг Насаф тўғрисидаги илмий хулосасини берди (Зимин, 1927, с. 197–214). Аммо юқоридаги саёҳатчилар ичида биронтаси ҳам Шуллуктепа ёдгорлиги ва унинг ўрнида қайси шаҳар бўлганлиги тўғрисида ёки ёдгорлик ҳудудида археологик изланишлар олиб бориб, уни ўрганиш билан шуғулланишмади.

Шуллуктепа ёдгорлигини археологик жиҳатдан биринчи ўрганган олим С. К. Кабанов бўлади. У 1946–47 йилларда Шуллуктепа ёдгорлигида бўлиб, унинг қалъасини эагида ва ташқи томондаги муҳофаа деворида унчалик йирик бўлмаган қазилма ишларини ўтказган.²

1965 йилда М. Е. Массон бошчилигидаги Тошкент Давлат университети Ўрта Осиё археологияси кафедрасининг Кеш археолого-топографик экспедицияси ўқитувчилардан – С. Б. Лунина, З. И. Усманова, Б. Д. Кочнев, Г. Я. Дресвянская ва бир гуруҳ студентлар Шуллуктепа харобаларида ишладилар. Улар марказий қалъадан 250 м шимоли-шарқ томонда разведка тариқасидаги шурфни солишган.

1971 йилда Р. Ҳ. Сулаймонов бошчилигидаги ЎзФА Археология институтининг Қашқадарё экспедицияси тузилгандан кейин бу ёдгорлик ҳудудида унчалик катта бўлмаган археологик қазилма ишлари ўтказилди. Жумладан, Б. Д. Кочнев Шуллуктепа ёдгорлигининг шаҳристон ва работ қисмида 1973 – 1974 йиллари қазилмалар ўтказиб, шаҳар структурасини ўрганишга ўзининг катта ҳиссасини қўшди.³ Б. Д. Кочневнинг тахминига кўра, унинг умумий майдони 200 га бўлиши мумкин. У шаҳристондан 1200 – 1300 м шарқ томонда узунлиги 700 м, унчалик баланд бўлмаган муҳофаа деворини аниқлаган.⁴ А. Анорбоев томонидан 70-йилларнинг боши ва ўрталарида Шуллуктепанинг ўрта асрлардаги водопровод системаси канализацияларини ўрганиш мақсадида жарликлар, дарё ўзанининг кесмалари ва турли қазилмаларда топилган водопровод, канализация системаларида тазалаш ишларини олиб борди ҳамда ўрганди.⁵

ЎзФА Археология институтининг Т. К. Хўжаев бошчилигидаги ва Т. Мухаммаджонов қатнашган археологик отряд томонидан 80-йилларнинг бошлари ва ўрталарида қадимги Насаф шаҳрининг қабристонидида қазилма ишларини олиб борди. Унинг Қашқадарёнинг ўнг қирғоғида олиб борган археолого-антропологик ишлари натижасида Насаф шаҳрининг топографияси бўйича унча катта бўлмаган бўлса ҳам, керакли хулосалар чиқариш имконияти туғилди. Яъни Насаф шаҳри аҳолисининг ривожланган ўрта асрлардаги қабристони Қашқадарёнинг ўнг қирғоғида 13 га майдонни эгаллаганлиги тўғрисида хулоса

¹ Массон М. Е. Столичные города в области низовьях Кашкадарьи. Из-во "Фан", Ташкент, 1972, 41-бет; Кабанов С. К. Нахшеб на рубеже древности и средневековья (III – VII вв.). Ташкент, 1977, 56 – 57-бетлар.

² Массон М. Е. 41 – 42-бетлар.

³ Кочнев Б. Д. Исследования средневекового города. АО 1974 года, М., 1975, 501 – 502-бетлар.

⁴ Ўша манба. 168 – 169-бетлар.

⁵ Анарбаев А. А. Благоустройство средневекового города Средней Азии. Т., "Фан", 1981, 83 – 87-бетлар.


чиқарилди. 200 дан ортиқ қабр ўрганилди (Ҳоджаёв, Мухамеджанов, Манилов, Абилов, 1986, 183–186-бетлар).

1984 йилда Шуллиуктепа ёдгорлигини арк ва работ қисмини ўрганиш бўйица М. Ҳ. Исомиддинов казишма ишларини ўтказди.¹ 1986–87 йиллари эса Шуллиуктепанинг айнан аркини М. Исомиддинов ва А. Раимкуловлар тўлиқ очиб ўргандилар ва илк марта илмий мақолага тақдим этилмоқда.

Кейинроқ, бу ёдгорликнинг робод қисмида В. А. Пырин томонидан темирчилар маҳалласини ўрганиш мақсадида казишмалар ўтказилди.²

Маълумки, Шуллиуктепа ёдгорлиги Қарши шаҳридан шимолда, Қашқадарёнинг ўрта оқимидаги ёйсимон шаклда айланиб оққан қисмида вужудга келган бўлиб, бу ердаги асосий тепанинг умумий шакли бир оз чўзинчокрок овал, узунлиги 175 м ва кенглиги 70 м иборат. Ёдгорлик икки ярусдан иборат бўлиб, қуйи ярусининг баландлиги 8 м атрофида ва бу ерда қўплаб иморатлардан иборат ҳовли жойлашганлиги кўриниб турибди. Аркнинг асосий монументал қисми, албатта, юқори яруси бўлиб, унинг баландлиги 25 м атрофида. Аркнинг атрофи анча чуқур ва кенг хандақ билан ўралган, унинг орқа қисмида эса, 70–100 га атрофидаги шахристон қисми ўраб туради. С. К. Кабанов ҳам бу ёдгорлик ҳудудида унчалик йирик бўлмаган казишмалар ўтказган, аммо уларни охирига қадар олиб бормаган. Унинг фикрича, энг асосий тепа бу ерда бунёд этилган дастлабки қўшқ сифатида бўлиб, милоднинг V–VI асрларида унинг атрофида унчалик йирик бўлмаган турар жой макони вужудга келган, кейинроқ бу ердан сув олган қаналарни бўйида IX–XI асрларда йирик шаҳар вужудга келган бўлиши мумкин.³

Дастлабки казишма Шуллиуктепа қалъасининг жануби-ғарбий этагида Б. Д. Кочнев бошлаган стратиграфик казишмани М. Исомиддинов кенгайтирди ва уни чуқурлаштирди. Бундан асосий мақсад Шуллиуктепа аркини пайдо бўлган вақти ва унинг ривожланиш босқичлари тўғрисида маълумотлар олиш эди. Бу ердаги шурф аркнинг жануби-ғарбий қисмидаги пандусда солинган бўлиб, унинг умумий узунлиги шарқдан ғарбга томон 20 м, шимолдан жанубга томон 10 м ташкил этади. Бу ерда олиб борилган археологик изланишлар шуни кўрсатдики, қалъанинг юқори қисмидаги маданий қатламларнинг қалинлиги жуда ҳам катта эмас, балки бир нечта қурилиш горизонтларидан иборат (2-расм).



2-расм. Шуллиуктепа. Арк.

Шуллиуктепа қалъасининг этагида солинган стратиграфик шурф ёрдамида қуйидаги асосий қатламларни аниқлашга муваффақ бўлинди. Биз қуйида ушбу казишмада қўлга киритилган умумий натижалар билан таништирамиз:

1. Ўсимликларни ўсиши ва чириши натижасида ҳосил бўлган чим қатлами. Қалинлиги 0,5 м атрофида.
2. Уйларни бузилиши натижасида ҳосил бўлган ва жуда қўплаб пишик ғиштларни ташкил қилган қурилиш чиқиндилари билан тўла қатламлар. Бу қатламларнинг қалинлиги 1 м яқин бўлиб, шурфнинг барча деворларида учраган.

¹ Биз М. Ҳ. Исомиддинов ва А. Раимкуловларга Шуллиуктепадаги казишмаларининг умумий натижаларидан мақолада фойдаланишга рози бўлганлиги учун муаллифларга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

² Пырин В. А. Отчет о работе Еркурганского отряда за 1988 г. Самарканд, 1988, Архив ИААН РУз, ф. 3. 0.1. д. 79.

³ Кабанов С. К. Нахшеб на рубеже древности и средневековья (III–VII вв.). Ташкент, 1977, 56–57-бетлар.

3. Жуда юмшок ҳолдаги ва юқоридан пастга томон окиб тушган тупрок қатлами. Унинг қалинлиги 0,60 дан 1 метргача қалинликда бўлиб, 2-қатлам каби 3-қатлам ҳам жанубдан шимол томонга нишаб бўлиб кетган.

4. Жуда бўш, юмшок пишиқ ғиштларни синиғи, суяк ва сополлардан ташкил топган ахлатлар қатлами. Худди шу ахлат қатлами шимоли-шарқий томонга нишабликка кетиб, худди шу ердаги катта ахлат чуқурини ҳам тўлдиради. Яъни бу ердаги ахлат учун ажратилган чуқурдан топилган чиқиндилар билан 4-қатлам бир хил ва бу ҳар икки қатлам бир вақтда ҳамда бир хил шароитда ҳосил бўлган ва шунинг учун бу ердан топилган кулолчилик буюмлари жуда қисқа ва аниқ даврнинг кулолчилиги тўғрисида маълумот беради.

5. 4-қатламнинг остида жуда каттик пахсадан килинган, узунлиги яқин 5 м, пахсанинг қалинлиги 1 м, сакланган баландлиги 0,5–0,6 м атрофидаги уйнинг қолдиғи топилди. Уйнинг ичкари тарафида хона полининг иккита юзаси очилди. Бу уйларнинг ости қазиб қўрилганда, аркнинг дастлабки ғишт билан қўтарилган платформаси (асоси) чиқди. Шунинг учун аркнинг этагида бошланган иш шу жойда тўхтатилди.

Шуллуктепанинг работ қисмидаги стратиграфик шурф. Шуллуктепанинг жанубий ва шарқий қисмларида работнинг анчагина қисмини Қашқадарё ювган. Натижада дарёнинг кесмаларида Насаф шаҳрининг работ қисмини маданий қатламлари қўрилиб қолган. Айнан шу кесмаларидан маълум бўлишича, работнинг маданий қатламларини умумий қалинлиги 4–5 метрни ташкил этади. Шунинг учун ҳам Қашқадарёнинг жанубий қирғоқларидаги маданий қатламлари ўрганилиб, унинг стратиграфик шурф солиш учун қулай жойи қазилмалар олиб бориш учун танланди. Айнан работнинг жанубий қисмида солинган 4x4 м ҳажмидаги шурфдан қуйидаги натижалар олинди:

1-қатлам. Чим қатлами бўлиб, унинг қалинлиги 0,25 – 0,3 м ташкил этади ва солинган шурфнинг деярли ҳамма жойида кузатилган. Бу шурфнинг айрим жойларида сопол парчалари ва пишиқ ғиштнинг майдалари топилган.

2-қатлам. Қалинлиги 0,7 – 0,8 м иборат каттик тупрок қатлами бўлиб, шурфнинг ғарбий қисмида бу қалинлик 0,5 – 0,6 м ташкил этади.

3-қатлам. Шурфнинг шарқий қисмида бўш, қалинлиги 0,5 – 0,7 м юмшоқ характерга эга бўлган қатлам учратилган бўлиб, қатламнинг айрим ерларида кул қатламларини борлиги, унинг қалинлиги айрим жойларда 1 м. Юқоридаги қатламларнинг остида, шурфнинг марказида унчалик катта бўлмаган қум қатлами ҳам кузатилган. Бу қазилманинг муаллифи кесмадаги шаклига асосланиб, қум қатламини бу ерда арикнинг оқиши натижасида ҳосил бўлганлигини айтади. Қум қатламининг остида ҳам, унинг устида ҳам пишиқ ғиштнинг борлиги кузатилган.

4-қатлам. Иморатларнинг бузилиши натижасида ҳосил бўлган қатлам. Шурфнинг ғарбий қисмида унинг қалинлиги 0,6 – 1 м, шарқ томонда унинг қалинлиги 0,2 – 0,3 м ташкил этади. Бу қатлам олдингиларидан фарқ қилиб, айвон ёки ҳовли сатҳини эслатувчи депсалган юзадан иборат.

5-қатлам. Юқоридаги иморатларни бузилиши натижасида ҳосил бўлган қатламнинг юзаси горизонтал, кейинги қурилиш даври поли, унинг айрим ерларида терилган пишган ғиштнинг парчалари, шимолий қисмида кенлиги 30 см дан иборат ичи кул билан тўла ўчоқ кузатилади. Шурфнинг шимолий қисмида тўғри бурчакли ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган катта харсанг тош, 5-қатламнинг энг қуйи қисмида ҳам иккита бирин-кетин келган пол юзаси кузатилади.

6-қатлам. Иморатларни қулаши натижасида ҳосил бўлган қурилиш, сопол идишларининг синиқлари, ҳайвон суяк парчалари шурфнинг жанубий томондаги полнинг устки қисмларидан ҳам топилди. Қатламнинг қалинлиги 0,3 – 0,5 м.

7-қатлам. Қалинлиги 10 – 12 см иборат бўлган тоза кул қатламидан иборат бўлиб у 6-қатлам устида кузатилади, унинг айрим жойларида пишиқ ғишт парчалари учрайди. Кул қатламининг остида анча каттик шибаланган ва деворнинг қулаши натижасида ҳосил

бўлган чикиндилар аралашган катлам. Шурфнинг шимолий деворининг ўртасида кенглиги ва сакланган баландлиги ҳам 1 м яқин бўлган паҳса девор, унинг шарқ томонида кенглиги яқин 0,7–0,8 м ва чуқурлиги 0,3–0,4 м иборат ичига кум тулган арик топишган. Паҳса девор ва арикнинг остидаги катлам эса тоза тупроқдан иборат бўлган.

8-катлам. 7-катламнинг остида паҳса деворли уйларнинг нурашидан ҳосил бўлган катлам бўлиб, унинг каллилиги 0,2–0,3 м иборат. Худди шундай паҳса катлами 9-катламнинг остида ҳам кузатилган. Шурфнинг шимолий қисмида 8- ва 9-катламларни улар орасидаги кул катлами ажратиб туради. Бундай майда кул 9-катламнинг остидаги пол сатҳига ўхшап.

10-катлам. Шурфнинг шимолий қисмидаги, пол юзаларига параллел катта тошлардан териб ясалган йўлнинг бир қисми.

11-катлам. 10-катламга ўхшаган йўл қолдиғи, аммо ундан фарқли ўларок, оддий тупроқли йўл бўлиб, тош терилмаган. Балки, бу ўша тош терилган йўлнинг Қашқадарёнинг қирғоғидаги қисмидир.

12-катлам. Органик жинсларнинг чиришидан ҳосил бўлган кулранг-яшилроқ кул, кўмир аралашган катлам.

13-катлам. Анча қаттиқ зичланган ва нураган уйларнинг қолдиғи билан аралашган ҳамда каллилиги 0,2–0,3 м.

14-катлам. 13-катлам остида кулранг-мовий рангдаги анча қаттиқ тупроқ катлами кузатилган, унинг каллилиги 0,2–0,3 м, унинг айрим ерларида сопол синиклари ва чала ёниб кўмирга айланган ўтин парчалари кузатилди. Бу катламнинг остида қадимги Қашқадарёнинг тошиб оқишидан ҳосил бўлган кумли тупроқ ёки тин тупроқ кузатилди.

Шундай қилиб, бу шурфни қазиш давомида кузатилган 4 метрдан иборат маданий катламдаги горизонтларнинг сони 14 тадан ошса ҳам, аммо қурилиш горизонтлари 3 тадан ошмайди. Бу ерда кузатилган пол юзалари ва йўлларнинг қолдиқлари 5 тадан ошди. Бу нарсани кўрсатадиган, Насаф шаҳрининг айнан шу еридан анча интенсив, балки доимий равишда йўл ўтган бўлиши мумкин. Буни тасдиғи сифатида қазилган шурфдан жануби-шарқий тарафда, дарёнинг қуриб қолган ўзанининг қирғоққа яқин ерида пишиқ ғиштни радиал равишда сувда ўзининг хусусиятини йўқотмайдиган лой билан урилган тўғоннинг остки қисми кузатилди. Албатта, тўғоннинг усти кўприк бўлган бўлиши керак.

Насаф, дастлаб, кичик қишлоқ сифатида, кейинроқ йирик шаҳар сифатида шаклланидан бошлаб, Қарши воҳасини сув билан таъминлайдиган жой сифатида пайдо бўлган. Шунинг учун бу ерда тўғоннинг бўлиши, табиий. Шундай экан, Насаф шаҳрининг жануб ва ғарб томонини бир-бири билан боғлаш, қолаверса, маҳаллий йўлларни ҳамда халқаро савдо йўлидаги қарвонларни Қашқадарёдан ўтадиган жойи ҳам шу ерда бўлган бўлиши мумкин. Айнан Қашқадарёнинг остидаги терилган пишиқ ғишт уюмлари дарё тўғони ва унинг устидаги кўприкнинг қолдиқларидан иборат бўлиши керак.


1973–74 йиллари Б. Д. Кочнев томонидан бошланган ва 1984 йилда М. Ҳ. Исомидинов томонидан давом эттирилган Шуллауктепанинг ҳоким қалъаси остонасидаги қазилган шурф охирига етказилганидан кейин, 1986–87 йиллари шаҳар ҳокими қалъасини энг юқори қисмида М. Исомидинов ва А. Раимкуловлар қазилма ўтказдилар.¹ Бу қазилмада олиб борилган ишлар натижасида жуда йирик, маҳобатли, квадрат шаклидаги (25x25 м) архитектура мажмуаси очилди. Арк қуббасида очилган бино ўн та хонадан иборат бўлиб, бу хоналар бир-бирларига анфила усулида, яъни кетма-кет равишда боғланган.² Урганилган бу бино қолдиғи катта йирик ҳовли шаклида қурилган бўлиб, унинг тўрт томонидан

¹ Исамидинов М. Ҳ. Раскопки на городище Шуллауктепе. Раскопки на цитадели. Отчет о раскопках Еркурганского археологического отряда за 1987 г. Самарканд, 1987, Архив ИААН РУз, ф. 3.01, в. 64.

² А. А. Раимкулов, Г. Хидирова. Насаф-Қарши ўрта асрларда. Ўзбекистон моддий маданияти тарихи. 35-нашри, Тошкент, "Фан", 2006, 264-бет.

дахлизсимон (коридор) типигаги хоналар билан ўраб олинганлиги аниқланди. Қалъа деворлари дунёнинг аниқ тўрт томони йўналишида қурилган. Қалъанинг томонлари бўйлаб ҳар қайси томонда тўрттадан тўғри бурчакли (ўртача 2,70х3 – 4,50 м) хоналари бўлиб, улар бир-бирлари билан тор дахлизлар (кенглиги 1 м сал ортиқроқ) орқали туташиб туради. Бинонинг тўртала томони тўлиқ очилган, аммо унинг уч томонида бинога кирадиган эшиги йўқ. Бинонинг шимоли-шарқий қисмини бир оз бузилган бўлишига қараганда, унга кириш қисми ҳам ўша ерда бўлган бўлиши керак (3-расм). Худди шу томонда тепага бошлаб келувчи пандус кузатилади.

3-расм. Шулуктепа. Арк қалъасининг тархи.



Қалъанинг марказий қисмида ҳажми 6х6 м иборат қандайдир хонанинг ўрни сақланган. Маҳобатли бинонинг шарқий ярмида қудукнинг ўрни топилган бўлиб, унинг пишик ғишт билан мустаҳкамланган юкори қисмининг диаметри 2 м яқин.

Шундай қилиб, Шулуктепада олиб борилган қазилма ишлари кенг миқёсда олиб борилмаган бўлса-да, арк ва работ қисмларида олиб борилган қазилма ишлари бир-бирини тўлдиради ҳамда Шулуктепа тарихини ёритишга хизмат қилади. Шулуктепада олиб борилган тадқиқотлар натижасида қўлга киритилган моддий ашёвий далиллар бу ерда ҳаётнинг давомийлигини, шаҳарнинг тузилиши ва мавжуд бўлган иншоотларнинг шаҳар учун аҳамиятини кўрсатиб туради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Кочнев Б. Д. Свод памятников археологии Узбекистана. Раздел: Каршинский оазис. Архив ИААН РУз, ф. 3. О.1. Д. 44 а. Самарканд, 1980.
2. Массон М. Е. Столичные города в области низовьях Кашкадарьи. Из-во «Фан», Ташкент, 1972.
3. Кабанов С. К. Нахшеб на рубеже древности и средневековья (III–VII вв.). Ташкент, 1977.
4. Кочнев Б. Д. Исследования средневекового города. АО 1974 года, М., 1975.
5. Анарбаев А. А. Благоустройство средневекового города Средней Азии. Т., «Фан», 1981.
6. Ходжайов Т. К., Мухамеджанов Т. Р., Маньлов Ю. П., Абилов Ш. Предварительные результаты археолого-антропологических исследований некрополя средневекового Несефа. История материальной культуры Узбекистана. Вып. 20, Ташкент, «Фан», 1986.
7. Пырин В. А. Отчет о работе Еркурганского отряда за 1988 г. Самарканд, 1988, Архив ИААН РУз, ф. 3. О.1. Д. 74.
8. Пырин В. А. Отчет о работе Еркурганского отряда за 1989 г. Самарканд, 1989, ф. 3. О.1. Д. 79.
9. Исамиддинов М. Х. Отчет об археологических работах Еркурганского отряда за 1984 год. Архив ИААН РУз, ф. 3. О.1. Д. 58, 74 – 91-бетлар.

10. Исамиддинов М. Х. Раскопки на городище Шуллиуктепе. Раскопки на цитадели. Отчет о раскопках Еркурганского археологического отряда за 1987 г. Самарканд, 1987, Архив ИААН РУз, ф. 3. О.1. Д.62.

11. Зимин Л. А. Нахшеб, Несеф, Карши. Их история и древности. В. В. Бартольд. Туркестанские друзья, ученики и почитатели. Ташкент, 1927.

12. А. А. Раимкулов, Г. Хидирова. Насаф-Карши ўрта асрларда. Ўзбекистон моддий маданияти тарихи. 35-нашри, Тошкент, "Фан", 2006.

MUNDARIJA

ALISHER NAVOIY TUG'ILGAN KUNNING 573 YILLIGIGA

Ж. Жўраев. Алишер Навоий ижодида муаммо жанрига муносабат.....	3
--	---

ФАТТОХ АБДУЛЛАЕВНИНГ 100 ЙИЛЛИГИГА

Б. Йўлдошев. Серкирра филолог олим ва талабчан устоз.....	6
---	---

QISHLOQ XO'JALIGI

Г. Сатилов, С. Бабажанова. Янги ва истикболли бўғлой навларининг ўсиши, ривожланишига маъданли ўғитлар меъёрларининг таъсири.....	9
---	---

TEKNIKA

К. Курёзов, Э. Исмаилов, Х. Шакиров. Деформируемость сыпучих грунтов при повышенных напряжениях.....	13
--	----

BIOLOGIYA

С. Юсупова, И. Абдуллаев. Патогенли ем-хўракларнинг термитларга нисбатан биологик самарадорлиги.....	17
--	----

TARIX VA ARXEOLOGIYA

Х. Мамадалиев. Россия империясининг Фарғона водийсидаги мустанлакачилик сиёсати.....	21
А. Ярқулов. Шуллауктепа шаҳар харобасининг ўрганилиш тарихи.....	24

TILSHUNOSLIK

Ж. Якубов. Лингвисты женеvской школы – основоположники функционализма во французской грамматике.....	32
Р. Yo'ldoshev, A. Matniyozov. Qadimgi xorazmiy tiliga oid numizmatik materiallar.....	41
А. Шарипова. Таржиманинг стилистик муаммолари.....	49
М. Болибекова. Ўзбек формал тилшунослигида кесимнинг ўрганилиши.....	53
З. Тешабоева. “Бобурнома”даги фразеологик бирликлар ва инглизча таржималарининг киёсий таҳлили.....	56

ADABIYOTSHUNOSLIK

С. Абдуллаева, З. Каримова. Бадиий адабиётда от тимсоли.....	60
Д. Жумаева. Бир ишқ тарихининг турфа талқини.....	63
Д. Шомуродова. Жадид адабиётда публицистиканинг ўрни.....	66

ILMIY AXBOROT

Р. Mahmudov. Ogahiy tarixiy asarlarida avestoviy antroponim va epik nomlar.....	71
Н. Мансурова. Ҳозирги давр шеърлятида поэтик кўчим моҳияти.....	74
М. Исмагилова. Употребление лексем со значением “оценочность” в текстовом пространстве русской поэзии XX века.....	76
О'. Ahmedova. Mehnat va mehnatsevarlik haqidagi ingliz va o'zbek maqollarining semantik xususiyatlari.....	79

METODIKA

S. Ollaberganova. Boshlang'ich sinflarda didaktik o'yinlardan foydalanish.....	82
M. Jumaniyozova, L. Saparboyeva. Boshlang'ich sinf o'qish darslarida o'quvchilarining tafakkurini rivojlantirish.....	85
S. Ko'palov, A. Masharipov. Yakkakurashchilarda mashg'ulotlar yuklamalarining yillik tsiklini rejalashtirish muamolari.....	87
O'. Adamova, N. Abdullayeva. Kasb-hunar kolleji o'quvchilarida ijodiy tafakkurni shakllantirishda mustaqil ishning ahamiyati.....	91
N. Abdullayeva. Kasb-hunar kollejlarda o'quvchilar ijodiy tafakkurini rivojlantirishda loyiha texnologiyalaridan foydalanish.....	94